

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

37-сон
(1057)
2022 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

336. «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон қарори

Учинчи бўлим

337. «Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 сентябрдаги 507-сон қарори

Бешинчи бўлим

338. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 31 августдаги 18-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-3*)
339. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 27 июлдаги 16-сон «Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386*)
340. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 24-2022/Б-сон «Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2083-1*)
341. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 23-2022/Б-сон «Кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2092-1*)
342. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 22-2022/Б-сон «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар-уруш қатнашчилари ва чернобилчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2100-1*)
343. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 9 сентябрдаги 1544/02-26-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-10*)
344. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/13-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор,

шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-6*)

345. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim vazirining 2022-yil 31-avgustdagi 193-son "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida qo'shimcha pullik ta'lim-tarbiya xizmatlari ko'rsatish faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 14-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3123-2*)
346. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 25-2022/Б-сон «Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2076-3*)
347. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 28 июлдаги 8/02-22-26-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-2*)
348. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 12 сентябрдаги 233-мх-сон «Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3387*)
349. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 8 сентябрдаги 48-сон ва 29 августдаги 26-2022Q/Q-сон «Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-3*)
335. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/11-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар

критиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007-2)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

336 Тadbиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ–6314-сон Фармонида мувофиқ Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тadbиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

тadbиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинади. Бунда, тadbиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади;

тadbиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тadbирлари тўғрисида маълумот текширув ёки профилактика тadbирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида киритилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) назорат қилувчи органлар:

«хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида 10 иш куни олдин тadbиркорлик субъектини хабардор қилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас;

тадбиркорлик субъектлари учун профилактика тадбирларини Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа-графиклар асосида тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда семинарлар, оммавий муҳокамалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, «очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклларида амалга оширади;

б) тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга:

текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда;

текширув белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганида;

улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортганида;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга «Ягона давлат назорати» ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланади.

4. Адлия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва назорат қилувчи органлар билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат назорати функциялари ва текширувларни қисқартириш бўйича таклифларни Стратегик ислохотлар агентлигининг кенгашига киритсин.

5. Назорат қилувчи органлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

бир ой муддатда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда мажбурий талаблар рўйхатини;

мажбурий талаблар ўзгарган тақдирда, ўзгартириш киритилган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда янгиланган мажбурий талаблар рўйхатини тақдим этсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ–6314-сон Фармони талабларига мувофиқ, «Ягона давлат назорати» тизимида давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестр-

лари лозим даражада (долзарб) ва барча учун очик ҳолатда юритилишини таъминласин.

7. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибини, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқласин.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов ҳамда назорат қилувчи органлар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 сентябрь,
ПҚ-374-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги
ПҚ-374-сон қарорига
ИЛОВА

Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик
субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика
тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом назорат қилувчи органлар ва уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — назорат қилувчи органлар) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган — қонунчилик билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишга ваколат берилган ташкилот;

назорат қилувчи органлар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонунчилик билан ваколат берилган вазирлик, идора, уларнинг тизимидаги бўлинмалар ва бошқа ташкилотлар;

назорат қилувчи орган мансабдор шахси — вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилувчи, тадбиркорлик субъектларида юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни ҳамда маъмурий ёки суд органларида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

тадбиркорлик субъектлари — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув — тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини текшириш учун керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган назорат тадбири;

текширув дастури — тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувнинг назорат саволномаси;

«Ягона давлат назорати» ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) — тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказиш ташаббусини (келишиш ёки хабардор этиш орқали), ўтказиладиган текширувларни ва улар натижаларини рўйхатга олишни таъминловчи электрон ахборот тизими.

3. Текширувни ўтказиш ваколатли орган билан келишган ёки уни хабардор этган ҳолда Ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

Ахборот тизими техник сабабларга кўра ишламаган тақдирда текширув ўтказишни келишиш ва хабардор этиш кейинчалик Ахборот тизимга кириштириш шартини билан қоғоз шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

Назорат қилувчи орган ва ваколатли орган ўртасидаги давлат сирини билан боғлиқ бўлган текширувларни ўтказишга оид ахборот алмашинуви давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда бундай текширувлар Ахборот тизимида рўйхатга олинмайди.

2-боб. Текширув иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4. Текширув ўтказишда тадбиркорлик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг текширув масалаларига алоқаси бўлмаган талабларини бажармаслик;

текширув ўтказишда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

талаб қилиб олинаётган ҳужжатларни, агар ушбу ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари тадбиркорлик субъекти томонидан назорат қилувчи органга олдинги ўтказилган текширувларда тақдим этилган бўлса, тақдим этмаслик;

экспертни рад этиш ва экспертни ўзи кўрсатган шахслар орасидан тайинлаш тўғрисида илтимос қилиш;

назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг рухсати билан экспертиза ўтказишда иштирок этиш ва экспертга тушунтиришлар бериш, экспертнинг хулосаси билан танишиш;

текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномасини олиш;

назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан, шунингдек, белгиланган тартибда текширув натижалари устидан шикоят қилиш;

текширувни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ (қарор, фармойиш) белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ва буйруқ нусхаси тадбиркорлик субъектига берилмаган, текширув белгиланган тартибда ваколатли орган билан келишилмаган ёки у хабардор этилмаган, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаган, Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортилган ҳолларда, назорат қилувчи орган мансабдор шахсларини текширув ўтказиш учун ўз ҳудуди ва биноларига қўймаслик, тадбиркорлик субъекти тегишли ҳужжатларни олишдан бош тортган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

5. Текширувларни ўтказишда тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари:

назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, уларнинг текширув билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш;

текширувни ўтказиётган назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларига текширув билан боғлиқ, шу жумладан, электрон ахборот ташувчи воситаларда сақланадиган ҳужжатлар ва ахборотни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятини таъминлаш.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасида қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6. Текширувларни ўтказишда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари:

тадбиркорлик субъектининг текширув билан боғлиқ, шу жумладан, электрон ахборот ташувчи воситаларда сақланадиган ҳужжатлари ва маълумотларини талаб қилиб олиш ва ўрганиш;

тадбиркорлик субъектининг худудлари ва биноларини кўздан кечириш;
текширилаётган тадбиркорлик субъектларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

текширувлар давомида тадбиркорлик субъектини ёзма билдириш асосида назорат қилувчи органга у томонидан текширув билан боғлиқ тушунтиришлар беришга чақириш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш.

Назорат қилувчи органлар қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Текширувларни ўтказишда назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари қўйидагиларга мажбур:

текширилаётган тадбиркорлик субъектларига текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳалал бермаслик;

тадбиркорлик субъектини текширув мақсади, тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириш;

Текширувларни рўйхатга олиш китобига қонунчиликда белгиланган тартибда текширувлар ҳақидаги ёзувларни киритиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширувлар натижаларини далолатнома билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширув тугаган куни текширилаётган тадбиркорлик субъектида қолдириш;

текширув натижаларини Ахборот тизимига киритиш;

профилактика тадбирларини ўтказиш;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликда назарда тутилган чораларни кўриш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг зиммасида қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Текширувларни келишиш

8. Назорат қилувчи органлар қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ваколатли органга текширув ўтказишни ташаббус қилишга ҳақли:

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилиши юзасидан муурожаатлари, аноним муурожаатлар бундан мустасно;

«хавфни таҳлил этиш» тизимининг натижалари;

бошқа давлат органлари томонидан қонунчилик бузилиши тўғрисида тақдим этилган маълумотлар;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот манбаларидан, шу жум-

ладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан қонунчилик бузилиши тўғрисида олинган маълумотлар.

Ушбу банддаги асослар бўйича тадбиркорлик фаолиятида текширув ўтказишни ташаббус қилишда, дастлаб назорат қилувчи орган томонидан текширув ўтказилиши режалаштирилаётган тадбиркорлик субъектининг амалда фаолият кўрсатаётганлиги ўрганиб чиқилиши лозим.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказиш ташаббуси, улар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг амалга оширилади, солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши юзасидан муружаатлар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно.

9. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширувни келишиш учун буюртма назорат қилувчи органнинг ҳудудий бўлинмаси орқали ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаларига киритилади.

Муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувни келишиш учун буюртма назорат қилувчи органнинг марказий аппарати томонидан ваколатли органга киритилади.

Назорат қилувчи органнинг марказий аппарати томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш учун буюртма назорат қилувчи органнинг марказий аппарати томонидан ваколатли органга киритилади.

10. Назорат қилувчи органнинг туман (шаҳар) бўлинмаси ташаббуси билан ўтказиладиган текширувларни келишиш текширувга асос бўлган ҳужжатларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ушбу органнинг ҳудудий бўлинмаси орқали ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

11. Назорат қилувчи орган томонидан текширувни келишиш учун Ахборот тизимида қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда буюртма киритилади:

текширув ўтказадиган назорат қилувчи орган номи;

текширув ўтказиладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами, ИФУТ коди ва манзили;

текширув ўтказиш учун асос;

талаблари бузилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумот;

текширув ўтказиш муддати;

текширув предмети;

текшириладиган фаолият даври.

Текширув предмети талаблари текшириладиган фаолиятга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос бўлиши шарт.

12. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган асослар бўйича батафсил маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, тадбиркорлик субъект-

лари учун профилактика тадбирлари ўтказилганлиги бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари ва (ёки) маълумотлар ҳамда текширув дастури буюртмага илова сифатида Ахборот тизимига киритилади.

Текширув дастури ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган асослар доирасида тузилиши ва назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланиши шарт.

13. Текширувни келишиш учун буюртма ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан уч иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ҳамда текширувни ўтказишни келишиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

14. Текширув ўтказишни келишиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмасдан назорат қилувчи органга юборилади.

Текширув ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги асослар мавжуд бўлганда қабул қилинади:

текширувни келишиш учун буюртма мазкур Низом талаблари асосида Ахборот тизимига жойлаштирилмаган бўлса;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилган ҳолда текширувни ўтказиш ташаббус қилинган тақдирда;

фаолиятини вақтинча тўхтатган ёки фаолияти тугатилган тадбиркорлик субъектларида текширув ўтказиш ташаббус қилинган тақдирда;

тадбиркорлик субъектида текширув ўтказишни ташаббус қилишга асос қилинган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ бошқа қонунчилик талаблари бузилганда.

15. Назорат қилувчи орган текширувни ўтказиш келишилган кундан бошлаб уч иш кун ичида текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ (қарор, фармойиш) қабул қилади ҳамда бир иш кунида Ахборот тизимига киритади.

Буйруқда (қарорда, фармойишда) текширув ўтказиш учун мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган асосларнинг бири, назорат қилувчи органнинг текширувда иштирок этадиган масъул ходимлари таркиби, текшириладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, манзили, текширув мақсади, муддати, текшириладиган фаолият даври ва текширув Ахборот тизимида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи текширув коди кўрсатилади ҳамда текширув дастури илова қилинади.

16. Тадбиркорлик субъектида икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларни ваколатли орган билан келишиш Ахборот тизими орқали ҳар бир орган томонидан алоҳида амалга оширилади.

4-боб. Текширувларни ўтказиш

17. Назорат қилувчи орган «хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида ўн иш

куни олдин тадбиркорлик субъектини унинг Ахборот тизимидаги шахсий кабинети ёки почта алоқаси (агар электрон шаклда хабардор этишнинг техник имконияти мавжуд бўлмаса) орқали хабардор қилиши шарт.

Бунда, қонунчилик ҳужжатларида тадбиркорлик субъектини текширув ҳақида хабардор этиш учун кўпроқ муддат ўрнатилган бўлса, хабардор этиш тегишли қонунчилик ҳужжатида белгиланган муддатда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектини текширув ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан текширув ўтказишга йўл қўйилмайди.

Хабарномада текширув ўтказиш муддати ва предмети, тарафларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун тарафларнинг жавобгарлиги, коррупция аломатлари вужудга келганда хабар бериш тартиби, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят бериш тартиби ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар мажбурий тартибда кўрсатилиши лозим.

Хабарнома тадбиркорлик субъектига Ахборот тизими орқали жўнатилади ва ушбу тизимнинг маълумоти билан тасдиқланади ёки почта орқали буюртма хат билан тадбиркорлик субъектига жўнатилади ҳамда у жўнатиладан кейин уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади.

Текширув бошланиши ҳақида хабарномани олган тадбиркорлик субъекти текширув ўтказилишидан олдин юридик манзилани ўзгартирган ёки бошқа тадбиркорлик субъектига қўшиб юборилган ҳолларда текширув назорат қилувчи орган томонидан қайта хабардор қилмасдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъекти Ахборот тизими ёки почта алоқаси орқали юборилган текширув бошланиши ҳақида хабарномани шахсан олмаганлиги текширув ўтказишга тўсқинлик қилмайди.

18. Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарини (раҳбар вазифасини бажарувчи шахсни) текширув мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномани кўрсатади, текширувни ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар (текширув ўтказиш келишилганлиги ёки ваколатли орган текширув ҳақида хабардор этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, назорат қилувчи органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текширув дастури) нусхаларини тилхат олган ҳолда тақдим қилади, шунингдек, Ахборот тизимида текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқини тушунтиради, ушбу Низомнинг 40-банди ўн биринчи хатбошисида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни Ахборот тизимидан бепул реал вақт режимда Интернет тармоғи орқали ёки қисқа хабар (SMS) кўринишида олиши мумкин.

19. Текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текшириладиган тадбиркорлик субъектига тилхат олинган ҳолда топширилган кун текширувни ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Текшириладиган тадбиркорлик субъектининг текширув ўтказиш учун

асос бўлган ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширувни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган тадбиркорлик субъекти мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан далолатнома тузилади. Бунда, далолатнома расмийлаштирилган вақт текширувни ўтказиш бошланган вақт ҳисобланади.

20. Назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган Текширувларни рўйхатга олиш китобини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлдириши шарт.

21. Текширувни фақат текширув ўтказишга рухсат берилган назорат қилувчи орган ва унинг текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномага эга бўлган мансабдор шахслари ўтказишга ҳақли.

Назорат қилувчи органнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан ўтказиладиган текширувга унинг бошқа таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари жалб этилиши мумкин.

Назорат қилувчи орган текширувни ўзининг ҳудудий бўлинмаларига юклатишга ҳақли.

22. Назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортган тақдирда ёки мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган ҳамда текширувга назорат қилувчи органнинг буйруғида (қарори, фармойиши) кўрсатилмаган бошқа шахсларни жалб этиш ҳолатларида, текширувга шартнома асосида аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертларни жалб этиш ҳолатлари бундан мустасно, тадбиркорлик субъекти текширув ўтказилишига йўл қўймасликка ҳамда ушбу ҳолат ҳақида ваколатли органга, Савдо-саноат палатасига ва прокуратура органларига хабар беришга ҳақли.

23. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар муддати ваколатли орган билан келишиш ёки ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатларида белгиланган муддатлардан ошмаслиги шарт.

24. Текширув ўтказиш жараёнида назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва текширув дастурида белгиланган масалалар доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

25. Текширув тадбиркорлик субъектининг иш вақти давомида ўтказилади.

26. Тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган текширувларда унинг сўровига кўра Савдо-саноат палатасининг вакиллари, тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятида текширув ўтказишда эса мазкур бирлашмалар вакиллари иштирок этиши мумкин.

Текширув давомида тадбиркорлик субъектига солиқ маслаҳатчилари, таржимон ва (ёки) адвокатлар томонидан шартнома асосида тегишли хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари текширув бошлани-

шидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбар вазифасини бажарувчи шахсга) мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган шахсларни текширувда иштирок этишга жалб қилиш ҳуқуқини тушунтиради ҳамда бу ҳақда тадбиркорлик субъекти раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) томонидан текширув ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар нусхалари олинганлигини тасдиқловчи тилхатда маълумот қайд этилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан маълум қилинган мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган шахсларнинг текширувда иштирок этиш учун етиб келмаслиги текширув ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

27. Текширув давомида назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари ҳамда текширилаётган тадбиркорлик субъектлари ушбу Низомда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларга амал қиладилар.

28. Текширув билан тадбиркорлик субъектининг бевосита текширув предмети билан боғлиқ бўлган фаолият даври қамраб олинади. Бунда:

текширув ўтказиш вақтидан олдинги уч календарь йилдан, молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларда эса беш календарь йилдан кўп бўлмаган муддатдаги фаолият қамраб олиниши мумкин;

текширувни ўтказиётган назорат қилувчи орган томонидан илгари текширилган фаолият даври, предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказилмайди.

29. Тадбиркорлик субъекти раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) текширувда иштирок эта олмаган, талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки соҳавий мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текширув назорат қилувчи органнинг буйруғи (қарори, фармойиши) асосида тўхтатилиши ҳамда назорат қилувчи органнинг асослантирилган мурожаатига кўра текширув ёки унинг қолган муддати ваколатли орган билан келишилган ҳолда бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

Муддати кўчирилган текширувни ўтказиш текширув тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим. Ушбу муддатда ўтказилмаган текширув ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бундай текширув кейинчалик умумий тартибда ўтказилиши мумкин.

30. Текширув муддатини максимал узайтириш назорат қилувчи органнинг асослантирилган сўровига мувофиқ ваколатли орган билан келишилган ҳолда фақатгина бир марта ва дастлаб белгиланган текширув муддатидан ошмаган муддатга амалга оширилиши мумкин. Бунда, дастлаб ўтказилган ва узайтирилаётган текширувларнинг жами муддатлари қонунчиликда белгиланган текширувларни ўтказиш муддатларидан ошмаслиги керак.

31. Текширув муддатини кўчириш ва узайтириш текширув ўтказишни келишиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда, хабардор этиш тартибда ўтказиладиган текширувлар муддатини узайтириш ва кўчириш ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

32. Текширувни тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ёки фаолият

юритаётган манзилда ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда, уни тадбиркорлик субъектининг ёзма розилиги билан ушбу субъект рўйхатдан ўтган ёки фаолият юритаётган ҳудуддаги назорат қилувчи орган биносида ўтказиш мумкин.

33. Текширувлар натижалари текширув далолатномаси билан расмийлаштирилади. Текширув далолатномаси камида икки нусхада тузилади.

Бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширув далолатномаси текширув ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текширув бўйича эса, текширув муддатининг охириг қундан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

Бунда, текширув далолатномасининг нусхалари назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари ва тадбиркорлик субъектининг раҳбари (раҳбар вазифасини бажарувчи шахс) томонидан имзоланади, бир нусхаси тадбиркорлик субъекти раҳбарига (раҳбар вазифасини бажарувчи шахсга) уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади.

34. Текширилган тадбиркорлик субъекти ўтказилган текширув натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада ёзма равишда акс эттириши мумкин.

35. Текширилган тадбиркорлик субъекти текширув далолатномасини олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақда далолатномага қайд этади ва шу пайтдан эътиборан текширув тугаган ҳисобланади.

Бу ҳолда текширув далолатномасининг бир нусхаси у тузилган кундан кейинги иш қундан кечиктирмасдан тадбиркорлик субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

36. Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган далолатнома, қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари ва текширув ўтказиш ҳақида тадбиркорлик субъекти хабардор этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (почта қвитанцияси ва электрон ахборот тизимларининг маълумотлари) текширув яқунлангандан сўнг уч иш қуни ичида, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар ва суд қарорлари) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг бир иш қундан кечиктирилмасдан назорат қилувчи органлар томонидан Ахборот тизимига киритилиши лозим.

37. Текширув натижасида аниқланган банк сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга оид маълумотлар Ахборот тизимига киритилмайди.

Текширувда жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, назорат қилувчи орган дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар бериши ҳамда текширув яқунланган вақтдан бошлаб ўн кун ичида ушбу ҳолат бўйича барча ҳужжатларни юбориши шарт. Солиқ текширувида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса, бу ҳақда хабар бериш солиқ қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Ваколатли органни хабардор этиш тартибда текширувлар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

38. Ўрнатилган тартибда тасдиқланган ваколатли органни хабардор

этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатида (кейинги ўринларда — Рўйхат) белгиланган текширувлар назорат қилувчи органлар томонидан уларни Ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказилади.

39. Рўйхатда назарда тутилган ҳолатлар бўйича хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувларнинг ташаббуси назорат доирасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Рўйхатда белгиланган тартибда тизимли равишда амалга оширилади.

Ваколатли органни хабардор этган ҳолда текширувларни ўтказиш ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган асослар ва тартиб бўйича ҳам ташаббус қилиниши мумкин.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида бир нечта масала кўрсатилиб, улардан ҳеч бўлмаганда биттаси келишиш тартибида текширув ўтказилишини талаб қилса, текширув ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказилади.

40. Ваколатли органни хабардор этган ҳолда текширувларни ўтказишдан олдин Ахборот тизимига қўйидаги маълумотлар киритилади:

текширув ўтказадиган назорат қилувчи органнинг номи;

текширув ўтказиладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами, ИФУТ коди ва манзили;

текширув ўтказиш учун асос (ишончли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки текширув ўтказиш юзасидан тасдиқланган график);

талаблари бузилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумот;

текширув ўтказиш муддати;

текширув предмети;

текшириладиган фаолият даври;

текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ (қарор, фармойиш).

Текширув предмети талаблари текшириладиган фаолиятга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос бўлиши шарт.

Рўйхатда назарда тутилган айрим текширувлар улар бошлангандан сўнг 24 соат ичида назорат қилувчи органлар томонидан ушбу бандда кўрсатилган маълумотларни Ахборот тизимига киритиш орқали рўйхатга олинади.

41. Рўйхатда кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар бўйича ваколатли органни хабардор қилиш ҳар бир орган томонидан алоҳида амалга оширилади.

42. Хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Текширувлар ўтказилишини мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш

43. Ваколатли орган назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар белгиланган тартибда ўтказилганлигини Ахборот тизими орқали доимий равишда мониторинг қилиб боради.

44. Ваколатли орган томонидан мониторинг натижаларига кўра назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ноқонуний текширув ўтказганлиги ёки текширув давомида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги аниқланганда уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

45. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назорати Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда қонунчиликда белгиланган шахслар томонидан амалга оширилади.

7-боб. Профилактика тадбирларини ўтказиш

46. Профилактика тадбири назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартиришларни тушунтириш, уларнинг талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар, шунингдек, тадбиркорлик субъектининг фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга солиқ, божхона ва бошқа тўловлар юзасидан берилган имтиёзлар ва преференциялар ҳақида тушунтиришлар бериш мақсадида ўтказилади.

47. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланган чораклик режа-графиклар асосида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

бевосита жойига чиқмаган ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаган ҳолда ҳуқуқий тарғибот, семинарлар, тушунтириш ишлари ва амалий машғулотлар ташкил этиш;

тадбиркорлик субъектларига почта алоқаси ёки электрон ахборот тизимлари орқали уларнинг фаолияти юзасидан қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар, тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган соҳада содир этилаётган тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитлар бўйича хабарномалар юбориш;

амалдаги қонунчилик талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни оммавий муҳокама қилиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғида веб-сайтлар, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда блог ва чатларни ташкил этиш;

«очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

тадбиркорлик субъектларини қонунчилик талаблари акс эттирилган тарқатма материаллар ва бошқа қўлланмалар билан таъминлаш.

Ёнғин хавфсизлигини, фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва прекурсорлар сақланадиган жойлар (объектлар)нинг техник мустаҳкамлигини, объект ички ва рухсат бериш режимини таъминлаш мақсадида ўтка-

зиладиган профилактика тадбирлари тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларни кўздан кечириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ўтказилган профилактика тадбирлари бўйича баённома юритилиб, қайд этилган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Ўтказилган профилактика тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органлар томонидан Ахборот тизимга киритиб борилади.

48. Профилактика тадбири жараёнида содир этилиши мумкин бўлган қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар ва амалий ёрдамлар берилади.

49. Давлат томонидан назорат қилишнинг тегишли соҳасида қонунчилик такомиллашган тақдирда, назорат қилувчи органлар янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини профилактика тадбирларини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектларига тушунтиришлари зарур.

50. Профилактика тадбири жараёнида аниқланган камчиликларни асос қилиб текширувларни ташаббус қилишга йўл қўйилмайди.

51. Профилактика тадбирини ўтказиш учун ваколатли орган билан келишиш ёки уни хабардор қилиш талаб этилмайди.

52. Профилактика тадбири ўрнатилган тартибда тасдиқланган режа-графиклар асосида тизимли равишда ўтказиб борилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика тадбирларини ўтказиш режа-графиги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида уларга тизимли равишда йўл қўйиш ва қасдан содир этилмаган қонунбузилишлар сабаблари таҳлилидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши лозим.

53. Профилактика тадбирларини ўтказишда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралashiш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, тадбиркорлик субъекти фаолиятига доир ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш, текширувлар ўтказиш ва ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чораларни қўллашга йўл қўйилмайди.

54. Профилактика тадбири жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда назорат қилувчи орган мансабдор шахси тадбиркорлик субъектига уларни бартараф этишда кўмаклашади, шу жумладан, соҳани тартибга солувчи қонунчилик билан таъминлайди, камчиликларни бартараф этиш бўйича тушунтиришлар ёки тавсиялар беради.

55. Профилактика тадбирини ўтказиш натижаси бўйича назорат қилувчи орган Ахборот тизимга қўйидаги маълумотларни киритади:

профилактика тадбирини ўтказган назорат қилувчи орган ва унинг тегишли таркибий бўлинмаси номи;

профилактика тадбирининг шакли;

профилактика тадбири оммавий равишда ўтказилган тақдирда унда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг умумий сони, ўтказилган тадбир баёни;

профилактика тадбири манзилли амалга оширилганда унда қатнашган тадбиркорлик субъектлари сони ва уларга берилган тавсия ва хабарномалар сони ва мазмуни;

оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида веб-сайтлар, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда блог ва чатлар орқали ўтказилган муҳокамалар, улар ўтказилган сана, манзили (оммавий ахборот воситаларидаги кўрсатув ёки лойиҳа номи, муҳокаманинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манзили).

56. Назорат қилувчи органлар ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10 санасигача мазкур Низомнинг 55-бандида белгиланган маълумотларни Ахборот тизимга киритиб боради.

57. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кўп такрорланувчи қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида:

назорат қилувчи органлар ҳар ярим йил якунлари бўйича 1 августга қадар, йил якунлари бўйича 1 февралга қадар улар томонидан амалга оширилган текширув ва профилактика тадбирлари таҳлилини ваколатли органга киритади;

ваколатли орган ҳар ярим йил якунлари бўйича 1 сентябрга қадар, йил якунлари бўйича 1 мартга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кўп такрорланувчи ҳуқуқбузарликлар ҳамда улар содир этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида маълумотни Ахборот тизимига жойлаштиради ва жамоатчиликка эълон қилади.

8-боб. Якуний қоидалар

58. Ваколатли орган ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари мазкур Низом талабларига риоя этилиши, текширув муносабати билан ўзига маълум бўлган тижорат сири, хизмат сири ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирлар, шунингдек, ошкор этилмайдиган ахборотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

59. Назорат қилувчи органларнинг:

раҳбарлари текширув ўтказишни келишиш ёки ваколатли органни текширув ўтказиш тўғрисида хабардор этиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда текширувларни қонунчиликда белгиланган тартибда Ахборот тизимида рўйхатдан ўтказгандан сўнг амалга оширилиши учун;

мансабдор шахслари ўз ваколатлари ва назорат соҳасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширув ўтказилмаслиги ҳамда текширувларни қонунчиликда белгиланган тартибда Ахборот тизимида рўйхатдан ўтказгандан сўнг амалга оширилиши, шунингдек, ўтказилган текширувлар бўйича зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида Ахборот тизимига киритилиши учун жавобгардир.

60. Тадбиркорлик субъектлари уларда ўтказилаётган текширув ҳақидаги ҳамда уларнинг фаолиятини текшираётган назорат қилувчи органлар тўғрисидаги маълумотни ваколатли органдан ёзма шаклда ёки ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда бепул олишга ҳақлидир.

61. Ташаббус қилинган ва ўтказилган текширувдан норози бўлган тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг юқори ташкилотларига, ваколатли органга, Савдо-саноат палатасига ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

62. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

337 Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон Фармони-га мувофиқ, шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни янада такомиллаштириш ҳамда шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) (кейинги ўринларда — шаҳар йўловчилар транспорти) бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қуйидаги тоифадаги фуқароларга шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бениқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар ва ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахсга сафарларда ҳамроҳлик қилувчи шахс;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 25 ноябрдаги 948-сон қарорига мувофиқ:

умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилганлиги;

Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Қарши шаҳарларидаги жамоат транспорт ҳаракат таркиби 3 107 дона стационар валидаторлар билан жиҳозланганлиги ва 555 минг дона транспорт карталари муомалага чиқарилганлиги;

йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими мобил иловаси фойдаланувчилари сони 320 минг нафарга етганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Транспорт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг шаҳар йўловчилар транспортда (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Шаҳар йўловчилар транспортда (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) шаҳар йўловчилар транспортда айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталари берилиши Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали амалга оширилади;

б) шаҳар йўловчилар транспортда айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш босқич-ма-босқич:

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — 2023 йил 1 январдан бошлаб;

республиканинг барча шаҳарларида — 2023 йил 1 майдан бошлаб амалга оширилади;

в) эски намунада берилган шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномалар 2023 йил 1 сентябрга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

5. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати 2022 йил 1 ноябрга қадар ушбу қарор 1-бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган тоифадаги шахслар бўйича маълумотлар базасини яратсин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) Адлия вазирлиги ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 январдан:

ушбу қарорга мувофиқ давлат хизматлари ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида му-рожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) 2022 йил 1 декабрга қадар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тегишли ахборот тизимлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ҳамда Транспорт вазирлиги ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

7. Транспорт вазирлиги:

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — 2023 йил 1 январдан, республиканинг барча шаҳарларида — 2023 йил 1 майдан босқичма-босқич шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, эгаларига топширишни таъминласин;

имтиёзли транспорт карталарини тайёрлаш ва эгасига етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширсин;

Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларга (пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқувчилар ва талабалар) шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш тартибини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ушбу қарор талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин ва мониторинг олиб борсин.

9. Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 сентябрь,
507-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 сентябрдаги 507-сон қарорига
ИЛОВА

**Шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) (кейинги ўринларда — шаҳар йўловчилар транспорти) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

мурожаат қилувчи — имтиёзли транспорт картасини олиш учун мурожаат этган жисмоний шахс;

имтиёзли транспорт картаси — шаҳар йўловчилар транспортда (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) автоматлаштирилган тўлов тизими оператори маълумотлар базасида рўйхатга олинган йўловчига бепул юриш ҳуқуқини кафолатлайдиган, транспортдан фойдаланиш сони ва бир транспортдан бошқасига чиқиш сони чекланмайдиган шахсийлаштирилган транспорт картаси;

имтиёзли транспорт карталари реестри — имтиёзли транспорт карталарини бериш бўйича маълумотлар электрон тарзда шакллантириладиган база.

3. Имтиёзли транспорт картаси эгаси Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга.

4. Қуйидаги шахсларга имтиёзли транспорт картаси тақдим этилади:

1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари;

1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахслар.

5. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга имтиёзли транспорт карталари берилмайди. Улар ҳарбий гувоҳномаси ёки контракт асосида хизмат қилувчининг шахсий гувоҳномасини кўрсатган тақдирда шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

6. 1941 — 1945 йиллардаги уруш I гуруҳ ногиронларига ва ногиронлиги бўлган кўзи ожиз шахсларга бериладиган имтиёзли транспорт картаси уларга сафарларда ҳамроҳлик қилувчи бир шахсга ҳам шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини беради.

7. Давлат хизматлари Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилади.

8. Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

9. Имтиёзли транспорт картаси чекланмаган муддатга бериледи.

10. Имтиёзли транспорт картасини бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

11. Давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

12. Мурожаат қилувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун ваколатли органга ўзи ёки у ваколат берган шахс келиб мурожаат этади ёхуд давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

13. Мурожаат қилувчи ўзи ёки у ваколат берган шахс келиб мурожаат қилган тақдирда, ваколатли орган ходими мурожаат қилувчининг номидан ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

14. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг мурожаат қилувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.

Мурожаат қилувчи томонидан сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

15. Мурожаат қилувчи томонидан сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши ёки уни тасдиқлашнинг рад этилиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Мурожаат қилувчи давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида улардан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

17. Ваколатли орган сўровнома олинганидан сўнг шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт картасини олиш учун мурожаат қилган шахс мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган тоифага киришини Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганеди.

18. Ваколатли орган томонидан икки иш куни мобайнида мурожаат қилган шахснинг маълумотларини ўрганиш натижасига кўра имтиёзли транспорт картасини бериш ёки унинг берилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади ҳамда бу ҳақидаги маълумот мурожаат қилувчига ёки ЯИДХП-га юборилади. Имтиёзли транспорт картасини бериш рад этилган тақдирда маълумотда рад этиш сабаблари кўрсатилади.

19. Ваколатли орган имтиёзли транспорт картасини бериш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг бир иш куни ичида имтиёзли транспорт картасини расмийлаштиради ҳамда уни ваколатли шахснинг ЭРИси билан тасдиқлаб, мурожаат қилувчига топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборади.

3-боб. Имтиёзли транспорт картасининг дубликатини бериш, алмаштириш ва уни бекор қилиш

20. Имтиёзли транспорт картаси эгаси имтиёзли транспорт картаси йўқолган тақдирда, уни автоматлаштирилган тўлов тизими оператори маълумотлар базасидан рўйхатдан чиқариш учун дарҳол имтиёзли транспорт картасини берган ваколатли органга, шу жумладан ЯИДХП орқали мурожаат қилиши лозим.

21. Имтиёзли транспорт картаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, мурожаат қилувчига бепул асосда бошқа имтиёзли транспорт картаси берилади. Бунда, имтиёзли транспорт картаси яроқсиз ҳолга келган тақдирда, имтиёзли транспорт картаси эгаси уни ваколатли органга топшириши лозим.

22. Имтиёзли транспорт картаси сохта ҳужжатлар тақдим этган ҳолда олинганлиги аниқланганда бекор қилинади ва автоматлаштирилган тўлов тизими оператори маълумотлар базасидан рўйхатдан чиқарилади.

4-боб. Имтиёзли транспорт карталари реестри

23. Транспорт вазирлиги белгиланган тартибда имтиёзли транспорт карталари реестрини юритади.

Имтиёзли транспорт карталари реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
фуқаронинг турар жой манзили;
фуқаролик паспортининг серияси (идентификацияловчи ID-картасининг серияси) ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);
берилган имтиёзли транспорт картасининг серияси ва рақами;
фуқаронинг мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган шахслар тоифасига киришини тасдиқловчи ҳужжат тури ва рақами.

5-боб. Шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини хатловдан ўтказиш

24. Ваколатли орган томонидан шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ҳар чоракда бир марта хатловдан ўтказилади.

25. Ваколатли орган имтиёзли транспорт карталари реестридан чиқиб кетган шахсларни аниқлаш мақсадида ахборот тизимлари орқали Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг мазкур Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган шахслар тўғрисидаги маълумотларини ўрганади.

26. Ўрганиш натижалари бўйича имтиёзли транспорт карталари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

27. Имтиёзли транспорт карталари реестридан чиқиб кетган шахсларнинг имтиёзли транспорт карталари автоматлаштирилган тўлов тизими оператори маълумотлар базасидан рўйхатдан чиқарилади.

6-боб. Якуний қоидалар

28. Ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

29. Мурожаат қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

30. Мазкур Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

338 Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 8 июндаги 122-сон буйруғи (рўйхат рақами 3258, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3258/1057-сон) билан тасдиқланган Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 август,
18-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил
31 августдаги 18-сон буйруғига
ИЛОВА

**Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун
мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган
(орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун
мўлжалланган тиббий буюмлар рўyxатига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 87¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

87 ¹ .	Блинитумомаб	Лимфоид қон ишлаб чиқарувчи ва уларга яқин бўлган тўқималар хавфли ўсмалари	Ўткир лейкозлар	С 92.4
-------------------	--------------	---	--------------------	--------

».

2. Қуйидаги мазмундаги 92¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

92 ¹ .	Акалабрутиниб	Сурункали лимфолейкоз касалиги	Сурункали лимфолейкоз касалиги	С 91.1
-------------------	---------------	-----------------------------------	--------------------------------------	--------

».

3. Қуйидаги мазмундаги 95¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

95 ¹ .	Помалидомид	Миелома касалиги	Миелома касалиги	С 90.0
-------------------	-------------	------------------	---------------------	--------

».

4. Қуйидаги мазмундаги 163¹-позиция билан тўлдирилсин:

«

163 ¹ .	Антимикробли гидрогель боғлами Мирамистин билан 7,5 см х 10 см	Буллёз эпидермолизи	Буллёз эпидермолизи	Q 81
--------------------	---	---------------------	------------------------	------

».

5. Қуйидаги мазмундаги 172-позиция билан тўлдирилсин:

«

172.	Экулизумаб	Пароксизмал Гемоглобинурия	Тунги пароксизмал гемоглобинурия	D 59. 5
------	------------	----------------------------	--	---------

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

339 Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон «2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 июль,
16-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил
27 июлдаги 16-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш
ҚОИДАЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестри — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (бундан буён матнда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги деб юритилади) томонидан юритиладиган, аккредитацияланган сертификатлашти-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

риш органлари томонидан расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатлари рўйхатга олинадиган маълумотлар базаси;

битим — сертификатлаштириш органи ва мувофиқлик сертификати эгаси ўртасида мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқини бериш тўғрисида тузиладиган келишув;

мувофиқлик сертификати эгаси — мувофиқлик сертификати берилган жисмоний ёки юридик шахс;

фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш — фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

норматив ҳужжатлар — фармацевтика маҳсулотларига оид халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари, ташкилот стандартлари, техник регламентлар, Давлат фармакопеяси, Фармакопея мақолалари;

сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотлари устидан инспекция назорати — сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотларини норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган даврий баҳолаш тартиб-таомили;

фармацевтика маҳсулотлари — дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар;

серия — маҳсулотни идентификация қилиш ҳамда унинг ишлаб чиқариш жараёнлари кетма-кетлигини аниқлаш имконини берадиган рақам, ҳарф ёки рақам-ҳарфлардан иборат белгилар йиғиндиси;

серияли ишлаб чиқариш — ишлаб чиқарувчи корхонада мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида бир хил маҳсулотларни кўп миқдорда тайёрлаш билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш;

маҳсулот тўпи — битта сотиб олувчининг (қабул қилиб олувчининг) манзилига битта транспорт ҳужжати бўйича келаётган ёки битта ишлаб чиқарувчи томонидан битта серияда ёхуд партияда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулоти;

синов дастури — норматив ҳужжатлар талаблари бўйича маҳсулотнинг синовларини амалга ошириш учун режалаштирилган синовлар рўйхати;

синов усули — белгиланган аниқ кўрсаткичлар бўйича синов натижаларини олишни таъминлайдиган жараёнлар мажмуи;

сифат менежменти тизими — сифат соҳасида сиёсатни ва мақсадларни доимий шакллантириш ва бу мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқарувчи корхона томонидан яратилган ва татбиқ этилган бошқарув тизими;

аризачи — фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун сертификатлаштириш органига мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

сертификатлаштириш органи — қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган, фармацевтика маҳсулотларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

3. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришни ташкил қи-

лиш ва ўтказиш ишлари аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари (бундан буён матнда сертификатлаштириш органлари деб юритилди) томонидан амалга оширилади.

4. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

5. Норматив ҳужжатларда сертификатлаштириш синовлари тўғрисида тегишли кўрсатмалар бўлмаса, сертификатлаштириш органлари фармацевтика маҳсулотларини сифатини назорат қилиш соҳасидаги халқаро стандартларда назарда тутилган кўрсаткичлар мажмуидан сифат ва хавфсизлик бўйича талабларни белгиловчи кўрсаткичларни танлайди.

6. Чет элдан келтирилган фармацевтика маҳсулотига Ўзбекистон Республикасида норматив ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, сертификатлаштириш синовлари ўхшаш турдаги фармацевтика маҳсулотига бўлган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

7. Чет элдан келтирилган фармацевтика маҳсулотини сертификатлаштириш, унга ўхшаш турдаги маҳсулот ёки ўхшаш турдаги маҳсулотнинг норматив ҳужжати ёхуд ушбу маҳсулотнинг синовларини амалга ошириш учун синов маркази (лабораторияси) мавжуд бўлмаган тақдирда, Ушбу Қоидаларнинг 6-бобида белгиланган тартибда идентификация йўли билан амалга оширилади.

8. Сертификатлаштириш ишларига ҳақ тўлаш, сертификатлаштириш ишлари натижаларидан қатъи назар аризачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидаларига (рўйхат рақами 2516, 2013 йил 11 октябрь) мувофиқ амалга оширилади.

9. Сертификатлаштиришнинг умумий муддати норматив ҳужжатлар бўйича ўтказиладиган синов усулларига мувофиқ фармацевтика маҳсулотининг барча синовлари давомийлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Фармацевтика маҳсулотларини хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича синовлари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

Сертификатлаштириш органлари фармацевтика маҳсулотларининг норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ ёрлиқлаш, қадоклаш ва бошқа кўрсаткичлари бўйича талабларга мувофиқлигини баҳолайди.

2-боб. Сертификатлаштириш схемаларининг қўлланилиши

11. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришда ушбу Қоидаларнинг 1-иловасига* мувофиқ фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш схемалари қўлланилади.

12. Сертификатлаштиришнинг 1-схемаси Ўзбекистон Республикасида ҳамда чет элда серияли ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришда қўлланилади ва қуйидагиларни:

сертификатлаштириш бўйича ариза қабул қилиш;

ариза бўйича қарор қабул қилиш;

синов дастурини тасдиқлаш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фармацевтика маҳсулотларининг намуналарини идентификация қилиш;
фармацевтика маҳсулотларидан намуналарни танлаб олиш;
фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш;
фармацевтика маҳсулотларини синов марказида (лабораториясида) синовдан ўтказиш;
хужжатлар тўпламини (аризачи томонидан тақдим этилган хужжатлар, сертификатлаштириш жараёнида тўпланган хужжатлар ва норматив хужжатлар) таҳлил қилиш;
мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш;
ушбу Қоидаларнинг 11-бобига мувофиқ даврий инспекция назоратини ўтказишни назарда тутати.

13. Сертификатлаштиришнинг 2-схемаси фармацевтика маҳсулотларининг тўпини сертификатлаштиришда қўлланилади ва ушбу Қоидаларнинг 12-банди иккинчи — олтинчи, саккизинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган жараёнларни амалга оширишни назарда тутати.

3-боб. Сертификатлаштириш учун ариза қабул қилиш

14. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун аризачи электрон шаклдаги ариза ҳамда унга илова қилинган хужжат ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали сертификатлаштириш органларига юборади. Аризада маҳсулот номи, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона ва мамлакат, фармацевтика маҳсулотининг дозаси, қадоқланиши, серияси, яроқлилик муддати, миқдори, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси коди кўрсатилиши керак.

15. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун аризага:
а) фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришнинг 1-схемаси асосида сертификатлаштириш учун қуйидаги хужжатлар илова қилинади:
корхонанинг ишлаб чиқариш майдони ва ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида маълумот;
сертификатлаштирилаётган фармацевтика маҳсулотларининг норматив хужжати;
ишлаб чиқариш жараёнининг технологик регламенти ёки технологик кўрсатмалар рўйхати;
фармацевтика маҳсулотларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси рақами;
сертификатлаштирилаётган фармацевтика маҳсулотлари ёрлигидан намуналар;
сертификатлар (ISO, GMP ва ҳоказолар), агар мавжуд бўлса;
ишлаб чиқарувчининг синов лабораторияси техник жиҳатдан малакалиги маъқулланганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, чет элдаги синов лабораториялари учун эса мазкур гувоҳномага тенглаштирилган хужжат нусхаси;

жорий қилинган сифат менежменти тизими жараёнлари ва ҳужжатлаштирилган стандарт операцион жараёнлар ҳужжатлари рўйхати;

б) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришнинг 2-схемаси бўйича сертификатлаштириш учун қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аризада кўрсатилган фармацевтика маҳсулотларининг норматив ҳужжатлари нусхаси;

маҳсулот ёрлиғи нусхаси;

ишлаб чиқарувчининг тайёр фармацевтика маҳсулотлари сақланадиган омборхона маълумотномаси;

фармацевтика маҳсулотларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси рақами;

в) чет элдан келтириладиган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришнинг 2-схемаси бўйича сертификатлаштириш учун қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

аризада кўрсатилган фармацевтика маҳсулотининг маҳсулот ёрлиғи нусхаси ёки ушбу Қоидаларнинг 2-иловасига* мувофиқ сертификатлаштириш учун тақдим этилаётган фармацевтика маҳсулоти тўғрисидаги маълумот;

фармацевтика маҳсулотларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси рақами.

16. Аризачи сертификатлаштириш органига сертификатланадиган фармацевтика маҳсулотининг техник тавсифларини, фармацевтика маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўтказилган синов баённомаларини ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитацияланган ёхуд тан олинган маҳаллий ёки чет элдаги синов марказлари (лабораториялари) томонидан амалга оширилган синовлар тўғрисидаги қўшимча ҳужжатларини тақдим этиши мумкин.

4-боб. Сертификатлаштириш юзасидан қарор қабул қилиш

17. Сертификатлаштириш органлари ариза келиб тушган кундан бошлаб икки кун ичида аризани кўриб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади ва ушбу Қоидаларнинг 3-иловасига* мувофиқ сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига рад этилганлиги тўғрисида асослантилган хулоса тақдим қилади.

18. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

мазкур Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларида назарда тутилган аризада тўлиқ бўлмаган ҳажмдаги маълумотлар кўрсатилган тақдирда ва (ёки) аризага илова қилинган ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилмаганда;

сертификатлаштириш учун тақдим этилган фармацевтика маҳсулоти давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги аниқланганда;

сертификатлаштириш учун тақдим этилган фармацевтика маҳсулоти қалбакилаштирилганлиги аниқланганда.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги қарорда фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштиришнинг барча асосий шартлари, шу жумладан сертификатлаштириш схемаси ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун норматив ҳужжат ҳамда синовларни ўтказадиган синов маркази (лабораторияси) кўрсатилади.

20. Сертификатлаштириш органи сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг аризачи билан сертификатлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузади ҳамда сертификатлаштиришни ўтказиш бўйича тўловларни тўлаш учун ҳисобварақ тақдим этади. Аризачи томонидан тўловларни амалга ошириш муддатлари сертификатлаштириш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномада белгиланади.

5-боб. Синов дастурини тасдиқлаш

21. Сертификатлаштириш органи сертификатлаштиришни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш билан биргалликда фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш синовларини амалга ошириш учун синов дастурларини тайёрлайди ва ушбу синов дастурлари сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Синов дастурларини тузишда аризачи томонидан тақдим этилган сертификатланадиган фармацевтика маҳсулотининг техник тавсифлари, маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўтказилган синов баённомалари, Ўзбекистон Республикасида аккредитацияланган ёки тан олинган маҳаллий ёхуд чет элдаги синов лабораториялари томонидан амалга оширилган синовлар тўғрисидаги ҳужжатлар инobatга олиниши мумкин. Бунда, синов баённомаларининг ўтказилган вақти фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжат бўйича яроқлилиқ муддатидан ошмаслиги керак.

22. Сертификатлаштириш органи синов дастурида ҳар бир фармацевтика маҳсулоти бўйича норматив ҳужжатнинг барча талабларини текшириш зарурлигини, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 21-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳужжатларни (мавжуд бўлса) ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Бунда, фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжатида ёки халқаро стандартда келтирилган кўрсаткичлар тўпламидан биринчи навбатда хавфсизлик кўрсаткичлари танланади.

6-боб. Фармацевтика маҳсулотларининг намуналарини идентификация қилиш ва танлаб олиш

23. Сертификатлаштириш органи сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кун ичида сертификатлаштиришни ўтказиш учун фармацевтика маҳсулотлари сақланаётган жойга чиққан ҳолда намуналарни идентификация қилиш ва танлаб олиш ишларини амалга оширади.

24. Сертификатлаштириш синовларини ўтказиш мақсадида танлаб олинган намуналар сони норматив ҳужжатларда кўрсатилган синов усул-

ларидан келиб чиқиб, бир мартаба тўлиқ синовларни ўтказишга етарли миқдорда белгиланади.

25. Сертификатлаштириш органи фармацевтика маҳсулотларини идентификация қилиш ва танлаб олишни ушбу Қоидаларнинг 15-бандида назарда тутилган ҳужжатлар асосида аризада кўрсатилган фармацевтика маҳсулотлари рўйхати ва миқдорига, шунингдек уларнинг сақланиш шароитлари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш йўли билан амалга оширади. Намуналарни идентификация қилиш ва танлаш ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида расмийлаштирилади.

26. Агар сертификатлаштириш учун тақдим этилган технологик ускуна ёки тиббий техникаларни бевосита фойдаланиш жойига ўрнатмасдан сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш имкони бўлмаса, ушбу Қоидаларнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда намуналарни идентификация қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ҳамда бу ҳақда аризачига ва тегишли идораларга ёзма маълумот берилади.

Аризачи технологик ускуна ёки тиббий техникаларни тўлиқ йиғиб, созлаганидан сўнг сертификатлаштириш ишларини амалга ошириш учун сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилиши шарт.

27. Сертификатлаштириш органи томонидан намуналарни идентификация қилиш натижасида:

сертификатлаштириладиган фармацевтика маҳсулоти давлат рўйхатидан ўтказилган намунада эмаслиги;

сертификатлаштириладиган фармацевтика маҳсулоти сақланишида норматив ҳужжатлар талаблари бузилиши;

норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ синовларни ўтказиш учун маҳсулот етарли эмаслиги;

аризачи вакили томонидан сертификатлаштириш органи вакилига намуналарни идентификация қилиш ва танлаб олиш учун шарт-шароитлар яратиб берилмаганлиги (масалан, сертификатлаштирилаётган фармацевтика маҳсулотлари тури ва серияларига ажратилмаган бўлса, сақланиш жойида намуналарни танлаб олиш имкони мавжуд бўлмаса, фармацевтика маҳсулотлари транспорт контейнерларидан божхона омборларига ўтказилмаган бўлса ва бошқалар) аниқланганда, намуналар танлаб олинмайди.

Бунда, бир кун ичида аризачига сертификатлаштиришни ўтказиш рад этилганлиги ҳақида асосланган хабарнома берилади.

28. Ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотларидан намуналарни танлаб олиш ишлаб чиқарувчининг тайёр фармацевтика маҳсулотлари сақланадиган омборхонаси мудирини ва аризачи вакили иштирокида сертификатлаштириш органи ходими томонидан амалга оширилади. Намуналарни идентификация қилиш ва танлаб олиш далолатномаси икки нусхада тузилади ва бир нусхаси аризачи вакилига тақдим этилади.

29. Божхона омборларида сақланаётган импорт қилинган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун намуналарни танлаб олиш

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сертификатлаштириш органи ходими томонидан божхона омбори мудир ва аризачи ёки унинг вакили иштирокида ўтказилади.

Сертификатлаштириш органи ходими томонидан намуналарни идентификация қилиш ва танлаб олиш далолатномаси уч нусхада тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси аризачи ёки унинг вакилига, иккинчи нусхаси божхона омбори мудирига тақдим этилади.

30. Аризачининг аризасида бир нечта фармацевтика маҳсулоти ёки унинг бир нечта сериясини сертификатлаштириш кўрсатилган бўлса, ҳар бир фармацевтика маҳсулоти ва унинг серияларидан алоҳида намуналар танлаб олинади.

7-боб. Фармацевтика маҳсулотларини синов марказида (лабораториясида) синовдан ўтказиш

31. Танлаб олинган намуналар йўлланма ва синов дастури билан биргаликда намуналар танлаб олинган кундан бошлаб уч кун ичида синов марказига (лабораториясига) тақдим этилади.

32. Синов марказлари (лабораториялари) фармацевтика маҳсулотларининг норматив ҳужжатлари ва синов дастурига мувофиқ синовларни амалга оширади ҳамда синовлар натижалари бўйича фармацевтика маҳсулотини норматив ҳужжат талабларига мувофиқ ёки номувофиқлиги юзасидан ҳулоса кўрсатилган синов баённомаларини расмийлаштиради.

33. Синов баённомаларини расмийлаштириш ва бериш фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжати бўйича ўтказиладиган синов усулларига мувофиқ намуналар синов марказига (лабораториясига) тақдим этилган кундан бошлаб беш кун (бундан норматив ҳужжатга кўра синов натижалари муддати беш кундан ортиқ вақт талаб этиладиган маҳсулотлар учун ўн беш кун), стериллик талаб этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар учун ўн беш кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак.

34. Намуналарнинг синови сифати ва натижаларнинг ҳаққонийлигига, шунингдек синов баённомаларининг сақланишига синовларни амалга оширган синов маркази (лабораторияси) масъул ҳисобланади.

35. Сертификатлаштириш синовларини амалга оширишда, инсон ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи омиллар мавжуд бўлганда ва ишлаб чиқарувчи томонидан ушбу кўрсаткичлар бўйича синовлар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда истисно тариқасида специфик, захарли, юқори токсик, озон қатламини бузувчи реактивлар қўлланиладиган синовларни ўтказмасликка ёки уларнинг ўрнини босувчи методлар билан синовларни ўтказишга рухсат берилади.

36. Синов баённомалари синовларни амалга оширган масъул мутахассислар томонидан имзоланади ва синов маркази (лабораторияси) раҳбари томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган синов баённомалари сертификатлаштириш органига тақдим этилади.

37. Синовларни амалга оширишда бутунлай яроқсиз ҳолга келган фармацевтика маҳсулоти ҳисобдан чиқарилади, шунингдек қисман яроқсиз ёки яроқсиз ҳолга келмаган фармацевтика маҳсулоти сертификатлаштириш ор-

гани томонидан аризачи ёки унинг вакилига қайтариб берилади. Бу ҳақда ушбу Қоидаларнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда Фармацевтика маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш ва қайтариш далолатномаси тузилади.

8-боб. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш

38. Сертификатлаштиришнинг 1-схемасида сертификатлаштириш органи фармацевтика маҳсулотларини серияли ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш шароитини баҳолашни амалга оширади. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш учун сертификатлаштириш органи ўз ходимлари ва (ёки) бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда комиссия тузади.

39. Сертификатлаштириш органи раҳбари сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида комиссия таркибини белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш муддатларини ишлаб чиқарувчи билан келишган ҳолда ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш тўғрисида буйруқ чиқаради. Бунда, ишлаб чиқариш шароитини баҳолашни амалга ошириш муддати намуналар танлаб олинган пайтдан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

40. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган дастур асосида амалга оширилади.

41. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолашни ўтказиш тўғрисида буйруқ ва дастурнинг бир нусхаси комиссия томонидан ишлаб чиқарувчи ёки унинг вакилига қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда топширилади.

42. Комиссия аъзолари ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган ишлаб чиқарувчининг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва ушбу маълумотлардан ноқонуний равишда фойдаланмасликлари лозим.

43. Ишлаб чиқаришни баҳолаш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда барча комиссия аъзолари ва ишлаб чиқарувчи ва (ёки) унинг вакили томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчига топширилади, иккинчи нусхаси эса сертификатлаштириш органига юборилади.

44. Ишлаб чиқаришни баҳолаш натижалари бўйича далолатномада ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар, сертификатлаштирилаётган фармацевтика маҳсулотларининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, технологик жараён тавсифи ва ишлаб чиқаришни метрологик таъминланганлиги, ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида хулоса ҳамда ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бошқа маълумотлар бўлиши керак.

9-боб. Сертификатлаштириш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш

45. Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш натижалари

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича тўпланган ҳужжатлар, синов баённомалари, ишлаб чиқаришни баҳолаш далолатномаси (сертификатлаштиришнинг 1-схемасида) сертификатлаштириш органининг фармацевтика маҳсулотини сертификатлаштиришда иштирок этмаган холис ходимига (техник қўмитага) тақдим этилади.

Холис ходим (техник қўмита)га сертификатлаштириш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

46. Холис ходим (техник қўмита) сертификатлаштириш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатларни бир кун ичида кўриб чиқади ҳамда мувофиқлик сертификатини бериш ёки мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

47. Мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш учун лаборатория синовларининг салбий натижалари асос бўлиб ҳисобланади.

48. Сертификатлаштириш органи аризаچига мувофиқлик сертификатини бериш рад этилганда, шу куннинг ўзида аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда хабар юборади.

Чет элдан келтирилган фармацевтика маҳсулотларига мувофиқлик сертификатини бериш рад этилган тақдирда, сертификатлаштириш органи бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига хабарнома юборади.

10-боб. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва аризаچига бериш

49. Сертификатлаштириш органи холис ходим (техник қўмита) томонидан мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки кун ичида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

50. Фармацевтика маҳсулотларига мувофиқлик сертификати:

фармацевтика маҳсулотларининг яроқлилик муддатига (фармацевтика маҳсулоти яроқлигининг кафолатли муддатига);

яроқлилик муддатига (маҳсулот яроқлигининг кафолатли муддатига) эга бўлмаган фармацевтика маҳсулотларига амал қилиш муддати кўрсатилмасдан;

серияли ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари учун уч йил муддатга берилади.

51. Серияли ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари учун расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотлари сертификатланган деб ҳисобланади ва қайта сертификатлаштирилмайди.

Фармацевтика маҳсулотининг сертификатланганлигини тасдиқловчи асос сифатида мувофиқлик белгиси ва фармацевтика маҳсулотига қўшиб юбориладиган ва эксплуатация ҳужжатлардаги ишлаб чиқариш санаси хизмат қилади.

52. Мувофиқлик сертификати электрон шаклда давлат тилида ёки сер-

тификатлаштириш органи ва аризачининг келишувига кўра бошқа тилда расмийлаштирилади ҳамда сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

53. Мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган куннинг ўзида Сертификатлаштириш миллий тизими Давлат реестрида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан электрон шаклда (онлайн) рўйхатга олинади.

Сертификатлаштириш миллий тизими Давлат реестрида рўйхатга олинмаган мувофиқлик сертификати ҳақиқий ҳисобланмайди.

Расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатига қонунга хилоф равишда ўзгартириш ва (ёки) қўшимча киритиш тақиқланади.

54. Берилган мувофиқлик сертификати асосида мувофиқлик сертификатини қўллаш ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида сертификатлаштириш органи ҳамда мувофиқлик сертификати эгаси ўртасида битим тузилади.

Битимда мувофиқлик белгисидан фойдаланиш шартлари, шартларни бузганлик учун мувофиқлик сертификати эгасининг жавобгарлиги, сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотлари устидан сертификатлаштириш органи томонидан инспекция назоратини ўтказиш шартлари кўрсатилиши лозим.

55. Сертификат унинг амал қилиш муддати давомида мувофиқлик сертификати эгасига мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқини беради. Импорт қилинган ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулоти (қадоқ, идиш ва/ёки юк жўнатув ҳужжатлари) тайёрловчи-ташқилот (импорт қилувчи)нинг масъулиги остида мувофиқлик белгиси билан тамғаланиши мумкин.

56. Мувофиқлик сертификати эгалари мувофиқлик белгисидан сертификат амал қилиш муддати давомида ўзларининг реклама ва ахборот материалларида фойдаланишлари мумкин.

57. Мувофиқлик сертификати эгаси сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотининг мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида норматив ҳужжат талабларига мос бўлишини таъминлаши лозим.

11-боб. Сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотлари устидан инспекция назорати ўтказиш

58. Серияли ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулоти учун мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органи ҳар йили камида бир марта, сертификатлаштирилган маҳсулотни норматив ҳужжатда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекция назоратини ўтказиши лозим.

59. Инспекция назоратини амалга ошириш учун сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади. Буйруқда инспекция назоратини амалга оширувчи комиссия таркиби ва уни ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилади. Бунда, инспекция назоратини амалга ошириш муддати ўттиз календар кундан ошмаслиги керак.

60. Инспекция назорати сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган дастур асосида амалга оширилади. Инспекция назорати дастурида инспекция назоратини ўтказиш бўйича ишларнинг мазмуни ва ҳажми, мақсади ва объектлари бўлиши керак.

61. Инспекция назоратини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ва дастурнинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчига олганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда топширилади.

62. Инспекция назоратида комиссия ишлаб чиқарувчининг вакили билан фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг омборхонаси ва сотилаётган савдо нуқтасидан ушбу Қоидаларнинг 6-бобида белгиланган тартибда фармацевтика маҳсулотидан намуналарни идентификация қилади ҳамда намуналар танлаб олади.

Намуналарни идентификациялаш ва танлаб олиш ушбу Қоидаларнинг 5-иловасидаги далолатнома асосида расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини танлаш ва синовдан ўтказишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

63. Инспекция назоратида фармацевтика маҳсулотининг намуналарини синаш:

аккредитация қилинган синов марказларида (лабораторияларида);
сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулоти ишлаб чиқарувчисининг техник жиҳатдан малакалилиги маъқулланган синов лабораториясида инспекция назорати комиссияси вакиллари иштирокида ўтказилади.

Синов натижалари синов баённомаси билан расмийлаштирилади.

64. Инспекция назорати натижаларига кўра комиссия томонидан икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда барча комиссия аъзолари ва ишлаб чиқарувчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчига топширилади, иккинчи нусхаси эса сертификатлаштириш органига юборилади.

Инспекция назорати далолатномасида ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар, сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотларининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, технологик жараён тавсифи ва ишлаб чиқаришни метрологик таъминланганлиги, ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида хулоса ҳамда бошқа маълумотлар бўлиши керак.

65. Инспекция назорати натижасига кўра сертификатлаштириш органи инспекция назорати далолатномаси тузилган кундан бошлаб уч кун давомида мувофиқлик сертификати амал қилинишини тасдиқлаш, тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорнинг бир нусхаси ишлаб чиқарувчига қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида тақдим этилади.

66. Қўйидагилар мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туришга асос бўлади:

ишлаб чиқарувчининг ёзма мурожаати;

инспекция назоратини ўтказишга ишлаб чиқарувчи томонидан шарт-шароит яратилмаганлиги.

67. Мувофиқлик сертификатини амал қилиш муддатини тўхтатиш тўғрисидаги қарорда инспекция назоратида аниқланган камчиликларни бартараф

этиш муддатлари кўрсатилади. Бунда, камчиликларни бартараф этиш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги керак.

68. Қўйидагилар мувофиқлик сертификатини бекор қилишга асос бўлади:

ишлаб чиқарувчининг ёзма мурожаати;

синов натижасига кўра сертификатлаштирилган фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжатларида кўрсатилган талабларга номувофиқ деб топилганда;

ишлаб чиқариш жойи ўзгарганда;

мувофиқлиги тасдиқланган фармацевтика маҳсулотининг норматив ҳужжати (ҳужжатлари) ўзгарганда;

инспекция назоратида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф қилинмаганда.

69. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар сертификатлаштириш органи томонидан Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестрига киритилади ҳамда тегишли маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб мувофиқлик сертификати тўхтатиб турилган ёки бекор қилинган деб ҳисобланади.

70. Сертификатлаштириш органи томонидан бекор қилинган мувофиқлик сертификати бўйича алоҳида журнал юритилади ва унда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

мувофиқлик сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарорнинг рақами ва санаси;

фармацевтика маҳсулоти ва уни ишлаб чиқарувчисининг номи;

мувофиқлик сертификати эгасининг номи;

мувофиқлик сертификатининг Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестридаги рақами;

мувофиқлик сертификати бекор қилинган сана.

71. Агар мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, сертификатлаштириш органи бу ҳақда уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига хабарнома юборади.

72. Инспекция назорати ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ўтказилишига жавобгарлик сертификатлаштириш органи зиммасига юклатилади.

12-боб. Яқуний қоидалар

73. Манфаатдор шахслар фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш жараёни ва натижаларидан норози бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

74. Мувофиқлик сертификатида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига, сертификатлаштириш муддатлари ва қоидаларининг бузилиши учун жавобгарлик сертификатлаштириш органи зиммасига юклатилади.

75. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

340 Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2083-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 январдаги 91-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2083, 2010 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 70-модда) билан тасдиқланган Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 август,
24-2022/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2022 йил 26 августдаги
24-2022/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари
ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Карлар жамиятига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.»

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»

5. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс-

лар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.».

6. 33-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 64-банддаги «давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 80-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Ташкилотларда электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.».

9. 5-бобнинг номидаги «Эшитиши паст бўлган ногирон ходимлар» деган сўзлар «Эшитиш қобилияти паст бўлган ногиронлиги бўлган ходимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 105-банддаги «эшитиши паст бўлган ногирон ходимларга» деган сўзлар «эшитиш қобилияти паст бўлган ногиронлиги бўлган ходимларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

341 Кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2092-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик оёйишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

қилиш вазирининг 2010 йил 9 мартдаги 101-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2092, 2010 йил 8 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 115-модда) билан тасдиқланган Кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 август,
23-2022/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2022 йил 26 августдаги
23-2022/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш
ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Кўзи ожизлар жамиятига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўл-

ган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»

5. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.»

6. 66-банддаги «давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Ташкилотларда электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.»

8. 5-бобнинг номидаги «ногирон» деган сўз «ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

342 «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар-уруш қатнашчилари ва чернобилчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2100-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 24 мартдаги 107-Б-сон «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар — уруш қатнашчилари ва чернобилчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2100, 2010 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 134-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 август,
22-2022/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2022 йил 26 августдаги
22-2022/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар — уруш қатнашчилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Номи ва биринчи банддаги «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар — уруш қатнашчилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банддаги «ногиронлар, шу жумладан ногиронлар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар — уруш қатнашчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»;

е) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.»;

ж) 32-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.»;

з) 33-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 64-банддаги «давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «санитария-эпидемиология хизматлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 80-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Ташкилотларда электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиниши керак.»;

л) 5-бобнинг номи ва 105-банддаги «Ногирон» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 106-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«106. Бинолар ичида ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган ўриндиқли аравачаларда ўтириб ишларни бажарувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун даҳлиз (коридор) лар кенглиги 1,8 м дан кам бўлмаслиги керак.»;

н) 109-банддаги «Таянч ҳаракат қилиш тизими ногиронлари учун» деган сўзлар «Таянч-ҳаракат функцияси бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 111-банддаги «Ногиронлар аравачасида» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган ўриндиқли аравачада» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 114-банддаги «ногиронларнинг» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 117-банддаги «ногиронлар» ва «ногиронлар аравачасини» деган сўзлар тегишли равишда «ногиронлиги бўлган шахслар» ва «ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган ўриндиқли аравачани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 118-банддаги «Ногиронлар» деган сўз «Ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

т) 120 ва 121-бандлардаги «ногиронлар аравачасидаги ногиронлар учун» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган ўриндикли аравачадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

343 «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Раиснинг биринчи
ўринбосари**

А. ҚАЮМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 9 сентябрь,
1544/02-26-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

Ш. ШЕРМАТОВ

2022 йил 17 август

Маданият вазирлиги

О. НАЗАРБЕКОВ

2022 йил 30 август

*Спортни
ривожлантириш вазирлиги*

А. ИКРАМОВ

2022 йил 5 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Б. МУСАЕВ

2022 йил 24 август

*Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги директори*

А. ХОДЖАЕВ

2022 йил 30 август

*Техник жиҳатдан тартибга
солиш агентлиги Бош директори*

Д. САТТАРОВ

2022 йил 6 сентябрь

*Ўзбекистон миллий
телерадиокомпанияси раиси*

А. ХАДЖАЕВ

2022 йил 31 август

Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2022 йил 9 сентябрдаги
1544/02-26-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 26 мартдаги 4-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024, 2001 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 7-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2003 йил 14 февралдаги 1-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-1, 2003 йил 10 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 5-6-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 16 мартдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-2, 2007 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 17-18-сон, 188-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 30 июндаги 8-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-3, 2010 йил 8 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 26-27-сон, 225-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 14 октябрдаги 1634/2-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-4, 2010 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 368-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 5 ноябрдаги 11-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-5, 2012 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 528-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 сентябрдаги

01/20-26/16-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-6, 2013 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 523-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 3 февралдаги 01/20-26/05-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-7, 2015 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 86-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 31 мартдаги 01/20-26/31-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомнинг 16-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-8, 2016 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 151-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 1 декабрдаги 01/15-2-10/34-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024-9, 2018 йил 6 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2018 й., 10/18/1024-9/0515-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

344 «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 23 август,
19/13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
23 августдаги 19/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 223-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 майдаги 13/1-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

(рўйхат рақами 2364-1, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 276-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/14-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364-2, 2016 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 157-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/3-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364-3, 2018 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2018 й., 10/18/2364-3/0987-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/6-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364-4, 2018 йил 16 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/2364-4/1524-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/7-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364-5, 2018 йил 6 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 10/18/2364-5/1842-сон).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I

345 Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida qo'shimcha pullik ta'lim-tarbiya xizmatlari ko'rsatish faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil
14-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3123-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-martdagi PF–87-son “Oila va xotin-qizlarni tizimli qo‘llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta‘lim vazirining 2018-yil 13-dekabrda 3-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3123, 2019-yil 18-yanvar) (Qonun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2022-yil 14-sentabrda e‘lon qilingan.

hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 18.01.2019-y., 10/19/3123/2504-son) bilan tasdiqlangan Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida qo'shimcha pullik ta'lim-tarbiya xizmatlari ko'rsatish faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. SHIN

Toshkent sh.,
2022-yil 31-avgust,
193-son

Kelishildi:

Moliya vaziri

T. ISHMETOV

2022-yil 29-avgust

O'zbekiston Respublikasi
maktabgacha ta'lim vazirining 2022-yil
31-avgustdagi 193-son buyrug'iga
ILOVA

Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida qo'shimcha pullik ta'lim-tarbiya xizmatlari ko'rsatish faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-sentabrdagi PQ-3955-son qarori bilan tasdiqlangan 2018-2019-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar dasturi hamda 2022-yil 7-martdagi PF-87-son "Oila va xotin-qizlarni tizimli qo'llab-quvvatlashga doir ishlarni yanada jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga asosan maktabgacha ta'lim tashkilotlari tomonidan quyidagilar bo'yicha qo'shimcha pullik xizmatlar ko'rsatilishi mumkin:

dam olish kunlari va maktabgacha ta'lim tashkilotida ish kuni yakunlangandan keyin bolani parvarishlash, unga qarab turish, uni o'qitish;

maktabgacha ta'lim tashkilotining o'quv dasturidan tashqari sport-sog'lomlashtirish (karate, taekvondo, suzish, shaxmat, shashka, gimnastika, massaj va boshqalar) to'garaklari, badiiy-estetik (xor, raqs, tasviriy san'at va hokazolar) to'garaklar, fanlar bo'yicha to'garaklar (chet tillari, matematika, aqliy arifmetika, mantiq, informatika va boshqalar);

to'liq quvvat bilan ishlamayotgan maktabgacha ta'lim tashkilotlarida 2 yoshdan 3 yoshgacha bo'lgan bolalarga maktabgacha ta'lim va tarbiya xizmatlari."

2. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Maktabgacha ta’lim tashkilotida tashkil etilgan qo’shimcha xizmat ko’rsatuvchi guruhlarga 3 yoshdan 7 yoshgacha bo’lgan bolalar, to’liq quvvat bilan ishlamayotgan maktabgacha ta’lim tashkilotlarida 2 yoshdan 7 yoshgacha bo’lgan bolalar qabul qilinishi mumkin.”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

346 Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2076-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ–6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 декабрдаги 84-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2076, 2010 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 46-модда, 51-сон, 495-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 август,
25-2022/Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2022 йил 26 августдаги
25-2022/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланадиган барча бино ва иморатларда улар учун зарур бўлса ногиронлиги бўлган шахснинг бино сатҳига кўтарилишига имкон берувчи пандус ёки лифт холи билан жиҳозланадиган камида битта кириш жойлари кўзда тутилиши шарт.»

2. 40 ва 42-бандлардаги «ногиронлар» деган сўзлар «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 43-банддаги «Ногиронлар кресло-коляскада» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган шахслар ўриндиқли аравачада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 44-банддаги «Ногиронлар» деган сўзлар «Ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 53-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик маркази» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 93-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«93. Электр асбоб-ускуналаридан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ҳамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

347 Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ–122-сон «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнитасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 8 февралдаги 01-02/8-4-сон қарори (рўйхат рақами 2868, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 176-модда) билан тасдиқланган Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Раис

Тошкент ш.,
2022 йил 28 июль,
8/02-22-26-сон

А. МАВЛОНОВ

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2022 йил 22 июль

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 15 июль

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
28 июлдаги 8/02-22-26-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 17-бандда:

а) 5-кичик бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона қиймати 2 ва 3-усуллар бўйича аниқланганда, мазкур графа тўлдирилмайди. Бунда, божхона қийматини 2 ва 3-усуллар бўйича аниқлаш учун фойдаланилган ахборот манбалари 20-графада кўрсатилади.»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона қиймати 1-усул асосидаги 6-усул бўйича аниқланганда, божхона қийматини аниқлашда фойдаланилган ҳужжатлар кўрсатилади.».

б) 30-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур графада божхона қийматини 2 ва 3-усуллар ҳамда ушбу усуллар асосидаги 6-усул бўйича аниқлаш учун фойдаланиладиган ахборот манбалари кўрсатилади.».

ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн еттинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «бошқа ахборот манбаларидан» деган сўзлар «муқобил манбалардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «ахборот манбаси (масалан, интернет сайти номи ва ҳ.к.)» деган сўзлар «муқобил манба» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўн еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Муқобил манба сифатида ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки етказиб берувчиларнинг расмий эълон қилинадиган маълумотномалари, бюллетенлари, биржа котировкалари, прайс-варақлардан, улар уюшмалари ёки бирлашмаларининг йиғма нарх маълумотномаларидан, товарларни ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар ваколатхоналарининг, уларнинг расмий рўйхатдан ўтказилган дилерлари ёки дистрибьюторларининг маълумотларидан, давлат-

лараро маълумот алмашинуви йўлга қўйилган давлатлардан олинган нарх маълумотлари, баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибдаги баҳолаш ҳисоботлари, ички бозорни ўрганиш далолатномалари, шунингдек, нархлар конъюнктурасини холис шакллантирадиган умумий фойдаланиладиган нарх тўғрисидаги маълумотларнинг бошқа ишончли манбалари қабул қилиниши мумкин.»

2. 18-банднинг 44-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44) «Қўшимча маълумотлар» графаси.

Мазкур графада божхона қийматини 4-усул асосидаги 6-усул бўйича аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 апрелдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ фойдаланилган математик ҳисоб-китоб кўрсатилади.»

3. 3-иловада:

а) 1-бандда:

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) божхона органлари қўллайдиган хавфни бошқариш тизими томонидан ўрта ёки юқори кўрсаткичга эга хавф даражаси аниқланган ҳолларда, агар маълум қилинган божхона қиймати охириги тўқсон календарь кун ичида олиб кирилиб, 1-усулда қабул қилинган товарнинг божхона қийматидан паст бўлса*:

жўнатувчи мамлакат божхона декларацияси**;

баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар***;

баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар учун тўлов ҳисоблари***.

* Агар тўқсон календарь кун ичида айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар 1-усулда олиб кирилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, бир юз саксон календарь кун ичида ушбу усулда олиб кирилган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг божхона қиймати солиштириш учун қўлланилиши мумкин.

** Агар жўнатувчи мамлакат божхона юк декларациясида товарнинг божхона қиймати кўрсатилмаган бўлса ёки ушбу мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларида товарни олиб чиқишда божхона декларациясини расмийлаштириш назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда божхона юк декларацияси ўрнига жўнатувчи мамлакатнинг божхона органлари томонидан тасдиқланган товарнинг қийматини акс эттирувчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши мумкин.

*** Агар бундай ҳужжатларни тақдим этишнинг имконияти мавжуд бўлмаса, сотувчи ёки сотиб олувчининг ёзма тушунтиришлари, шу жумладан бундай ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар қабул қилиниши мумкин.»;

қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) битим тарафларининг ўзаро боғлиқлиги олиб кириладиган товарлар

билан тузилган битим қийматига таъсир қилмаганлигини тасдиқлаш мақсадида ихтиёрий равишда:

айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар сотувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаган сотиб олувчиларга Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш учун сотилганда, унинг қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар;

божхона қиймати 4 ёки 5-усуллар билан аниқланган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар;

сотувчининг Ўзбекистон Республикасидан бошқа мамлакатларга юборилган айнан бир хил товарлар тўғрисидаги маълумотлар.»;

б) 2-бандда:

«а» кичик банди «божхона декларацияси» деган сўзлардан кейин «рўйхат рақами ва унга тегишли товар тартиб рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қийматга тузатишлар киритиш амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган жойга етказиб берилгунга қадар қилинадиган харажатларни тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар****.

**** Мазкур ҳужжатлар товарнинг етказиб бериш шarti, транспорт тури ёки географик манзилларда фарқ бўлганда, тақдим қилиниши мумкин.

Масалан:

етказиб бериш шarti учун EXW ва CIP фарқи;

транспорт тури учун ҳаво транспорти ва автотранспорт фарқи.

Агар ушбу маълумотлар бир хил ёки миқдорий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса, шунингдек, 2 ёки 3-усулни қўллаш учун асос бўлган божхона қиймати божхона органи томонидан тақдим этилса, мазкур ҳужжатлар тақдим қилинмаслиги мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

348 Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3387*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 июлдаги 589-сон «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 октябрдан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 12 сентябрь,
233-мх-сон

Ш. ШЕРМАТОВ

Келишилди:

Ташқи ишлар вазири в. б.

2022 йил 31 август

В. НОРОВ

Ички ишлар вазири

2022 йил 1 сентябрь

П. БОБОЖОНОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2022 йил
12 сентябрдаги 233-мҲ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва
мутахассисларга, шунингдек Дастурий маҳсулотлар ва
ахборот технологиялари технологик парки резидентларининг
таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (бундан буён матнда Технопарк деб юритилади) резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш бўйича аризаларни кўриб чиқиш, тавсиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда бекор қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«**IT-Visa**» — ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек Технопарк резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чикмасдан унинг муддатини узайтириш имкониятини берадиган, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик виза тоифаси;

Технопарк дирекцияси (бундан буён матнда Дирекция деб юритилади) — тавсия бериш бўйича аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, тавсия бериш, тавсиянинг муддатини узайтириш ҳамда бекор қилишни амалга оширувчи ташкилот;

Тавсия — Дирекция томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, Технопарк резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га IT-Card шаклида бериладиган қуйидаги ҳужжатлар:

а) Ўзбекистон Республикаси билан виза режими жорий қилинган мамлакатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси визасиз режим жорий қилинган мамлакатларнинг фуқаролиги бўлмаган шахсларга «IT-Visa» олиш учун бериладиган тавсия;

б) Ўзбекистон Республикаси визасиз режим жорий қилинган мамлакатларнинг фуқароларига «IT-Visa»га тенглаштириладиган тавсиянома;

ариза берувчи — тавсия олиш бўйича мурожаат қилувчи ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассислар, Технопарк резидентининг таъсисчиси (иштирокчиси);

веб-портал — тавсия бериш бўйича аризаларни қабул қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган веб-сайт (www.it-visa.uz);

Эксперт гуруҳи — вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат таркибда ташкил этиладиган орган.

2. Ариза берувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ёки хорижий давлат ҳудудида бўлган ҳолда тавсия олиш учун муружаат қилишлари мумкин.

3. Тавсия:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун инвестиция киритаётган хорижий инвесторга;

ахборот технологиялари соҳасида охириги 12 ойда йиллик даромади 30 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган хорижий мутахассисга; Технопарк резидентларининг таъсисчиси (иштирокчиси)га берилади.

4. Тавсияни бериш тартиби ушбу Низомнинг 1-иловасидаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тавсия олиш учун ариза бериш

5. Ариза берувчи тавсия олиш учун ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги аризани веб-портал орқали Дирекцияга юборади. Аризага ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига (турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари) тегишли паспорт нусхалари, ариза берувчининг фотосурати ҳамда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) хорижий инвестор:

ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун киритиладиган инвестиция лойиҳаси тўғрисида маълумот;

ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун киритиладиган инвестиция миқдори мавжудлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси (маълумотномаси);

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс томонидан ариза берувчи билан биргаликда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида хат (илтимоснома) ёки Ўзбекистон Республикасида юридик шахс ташкил этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун инвестиция киритишни режалаштирган инвестор компания номидан иш юритувчи шахснинг ваколатини тасдиқловчи қарор нусхаси;

б) хорижий мутахассис:

маълумотнома (резюме);

ариза берувчининг ариза берилган кундан бошлаб банк ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган охириги 12 ой давомида йиллик даромади 30 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этишини тасдиқловчи ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахснинг аризачини

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ахборот технологиялари соҳасида ишга қабул қилиш мақсадини тасдиқловчи хат (кафолат хати);

ариза берувчининг ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислиги ва малакасини тасдиқловчи ҳужжат (диплом, сертификат ёки бошқалар).

6. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Ариза берувчи тавсия олиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишнинг исталган босқичида қайтариб олиши мумкин.

3-боб. Тавсия бериш учун аризаларни кўриб чиқиш

8. Тавсияни бериш тўғрисидаги ариза ва бошқа ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўттиз календарь кундан ошмаган муддат ичида Дирекция томонидан кўриб чиқилади.

9. Дирекция ариза келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади.

10. Мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган тақдирда, шунингдек аризада нотўғри маълумотлар аниқланганда ёки мажбурий маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Дирекция аризани кўриб чиқишни рад этади.

11. Дирекцияда тавсия бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан хулосалар бериш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат беш нафардан кам бўлмаган таркибда Эксперт гуруҳи ташкил этилади. Эксперт гуруҳининг таркиби ва иш тартиби Дирекция томонидан белгиланади, Дирекция раҳбарининг тегишли ўринбосари Эксперт гуруҳига раислик қилади.

12. Дирекция аризани текширганидан сўнг бир иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқлигини кўриб чиқиш учун Эксперт гуруҳига кирилади.

13. Хорижий инвесторнинг инвестиция киритишни режалаштирган соҳаси ҳамда хорижий мутахассиснинг фаолияти айнан ахборот технологиялари соҳасига киришини аниқлаш улар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Эксперт гуруҳи томонидан амалга оширилади.

14. Эксперт гуруҳи томонидан ариза йигирма кун ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижаларига кўра Эксперт гуруҳи тавсия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида хулоса беради.

15. Эксперт гуруҳи ариза берувчи билан суҳбат ўтказиши мумкин. Суҳбат ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олиб борилади.

16. Эксперт гуруҳи томонидан ариза берувчига қуйидаги ҳолларда тавсия беришни рад этиш тўғрисида хулоса берилади:

ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари бузилганлиги аниқланганда;

ариза берувчи ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган шахслар тоифасига кирмаса;

ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган тавсия бериш учун талабларга жавоб бермаса.

17. Эксперт гуруҳи томонидан ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган рад этиш учун асослар аниқланмаган ҳолларда, Дирекцияга ариза берувчига нисбатан тавсия бериш тўғрисида хулоса киритилади.

18. Дирекция томонидан Эксперт гуруҳининг хулосаси берилган кундан бошлаб мазкур хулоса асосида бир иш куни ичида тавсияни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Дирекция қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ариза берувчининг аризасида кўрсатилган электрон манзилга қабул қилинган қарор тўғрисида хабарнома юборади.

19. Дирекция тавсия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ тавсияни расмийлаштиради.

20. Ўзбекистон Республикаси билан виза режими жорий қилинган мамлакатларнинг фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган ариза берувчи хорижда бўлган тақдирда, Дирекция ариза берувчиларга берилган тавсия, паспорт нухаси, шунингдек белгиланган намунадаги анкета билан «IT-visa»ни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилади.

21. Ариза берувчи тавсияни олиш учун Дирекцияга келиб мурожаат қилганда, тавсия унга шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида тақдим этилади.

22. Ўзбекистон Республикаси билан виза режими жорий қилинган мамлакатларнинг фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган ариза берувчи Ўзбекистон Республикасида бўлган тақдирда, унинг номидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган иш берувчи, Технопарк резиденти ёки инвестиция киритиётган юридик шахс «IT-visa»ни расмийлаштириш учун ички ишлар органларига мурожаат қилади.

23. Ариза берувчига тавсия бериш рад этилганда, у Дирекцияга рад этиш учун асос бўлган камчиликларни бартараф этган ҳолда тавсия олиш учун қайта мурожаат қилиши мумкин.

24. Тавсия олиш учун аризаларни кўриб чиқиш, тавсия бериш ва унинг муддатини узайтириш бепул амалга оширилади.

4-боб. Тавсиядан фойдаланиш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва бекор қилиш тартиби

25. Тавсия Эксперт гуруҳининг хулосаси асосида уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

26. Тавсия унинг эгаси ва оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари)га:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳамда амал қилиш муддати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик рўйхатдан ўтиш ҳуқуқини беради;

кўчмас мулкни сотиб олишда қонунчиликда хорижий фуқаролар учун белгиланган кўчмас мулкнинг чекланган қиймати татбиқ этилмайди ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди.

Бунда, тавсия эгаси ва унинг оила аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси билан виза режими жорий қилинган мамлакатларнинг фуқаролари «IT-visa»ни расмийлаштириб олганидан сўнг мазкур бандда ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

27. Тавсиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ушбу Низомда тавсияни бериш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Тавсиянинг амал қилиш муддати тавсиянинг эгаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилганда ҳамда қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

а) ахборот технологиялари соҳасида хорижий инвесторлар томонидан тавсия берилган санадан бошлаб уч ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс фаолиятига инвестициялар тўлиқ миқдорда киритилмаганда;

б) ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс билан ўттиз иш куни мобайнида меҳнат шартномаси (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома) тузилмаганда ёки тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;

в) Технопарк резидентининг таъсисчиси (иштирокчиси) ўзи таъсисчи (иштирокчи) бўлган Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилинганда ёки улар таркибидан чиқиб кетганда.

29. Агар инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаса, унинг жорий қилиниши олти ойдан ортиқ муддатга тўхтатилса ёки муддатидан олдин бекор қилинса, ушбу Низомнинг 5-банди «а» кичик банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган юридик шахс бу ҳақда ўн кун муддат ичида Дирекцияни хабардор қилиши керак.

30. Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий мутахассис билан тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор қилинганда, ушбу Низомнинг 5-банди «б» кичик банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган юридик шахс бу ҳақда ўн кун ичида Дирекцияни хабардор қилиши керак.

Меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор қилинган тақдирда, тавсия эгаси ўттиз кун ичида бошқа иш берувчи (буюртмачи) билан шартнома тузишга ҳақли.

Бунда, тавсия эгаси меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида бошқа иш қидираётганлиги ҳақида Дирекцияга хабар бериши шарт.

Тавсия эгаси бошқа иш берувчи (буюртмачи) билан шартнома тузган тақдирда, бу ҳақда шартнома тузилган кундан бошлаб бир кун ичида Дирекцияни хабардор қилиши керак.

31. Дирекция ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган тавсияни бекор қилиш асослари вужудга келганлиги ҳақида маълумот келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида тавсияни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади, бундан мазкур Низомнинг 30-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор қилинган тавсия эгаси мазкур Низомнинг 30-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган муддат ичида бошқа иш берувчи (буюртмачи) билан шартнома тузганлиги ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, Дирекция ушбу муддат ўтган кундан бошлаб беш иш куни ичида тавсияни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

32. Дирекция тавсияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигига маълумот юбориши шарт.

5-боб. Тавсияларнинг ягона электрон реестри

33. Дирекция томонидан веб-порталда Тавсияларнинг ягона электрон реестри юритилади.

Тавсияларнинг ягона электрон реестрига маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, мазкур реестрдаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

34. Дирекция Тавсияларнинг ягона электрон реестрини доимий юритилиши, киритилган маълумотларнинг янгилаб борилиши ҳамда тавсияларнинг ҳақиқийлиги ва долзарблигини онлайн текшириш имкониятини таъминлаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширади.

35. Тавсия эгаларига хизмат кўрсатишда тавсиянинг ҳақиқийлиги ва долзарблиги тавсиянинг QR-коди (матрик штрихли коди) орқали Тавсияларнинг ягона электрон реестридан текширилади.

36. Тавсияларнинг ягона электрон реестридаги маълумотлар ўн йил давомида сақланади.

6-боб. Яқуний қоидалар

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

38. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

349 «Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 сентябрь,
48-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 август,
26-2022Q/Q-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси**

К. РАФИКОВ

2022 йил 30 август

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг 2022 йил
8 сентябрдаги 48-сон ва 29 августдаги
26-2022Q/Q-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83 ва 7/12-сон «Ўзбекистон Республикаси ичкарисидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1268, 2003 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 16-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 92 ва 34-2019-Қ/Қ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1268-1, 2019 йил 13 сентябр) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 10/19/1268-1/3740-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 27 ва 23-2020-қ/қ-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқноманинг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1268-2, 2020 йил 8 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.07.2020 й., 10/20/1268-2/1042-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

350 «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/5-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 3205, 2019 йил 19 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 10/19/3205/4177-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 23 август,
19/11-сон

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 18 август

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
23 августдаги 19/11-сон қарорига
ИЛОВА

**«Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар
(микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз
юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини
чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга
солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;**

б) муқаддимадаги «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги деган сўзлар «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.»;

2. Низомда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини
тартибга солиш тўғрисидаги
НИЗОМ»;**

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом қарз олувчи жисмоний шахсларга микроқарзлар ажратиладиганда қарз юкини ҳисоблаш тартибини, қарз юкининг рухсат этилган миқдорини, шунингдек кредитлар ва микроқарзлар бўйича кунлик энг юқори фоиз ставкаларини белгилайди.»;

в) 1-бандда:

иккинчи хатбошидан «кредит ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «ёки» деган сўз «ва/ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қарз берувчи — банк, микромолия ташкилоти, ломбард ва микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилоти;»;

г) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қарз юки кўрсаткичи ҳар бир қарз олувчига қарз берувчи томонидан микроқарз ажратишда унинг суммаси ва қарз олувчининг амалдаги кредит (микроқарз) шартномалари бўйича асосий қарз қолдиғи йиғиндиси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошганда ҳисобланади.»;

д) 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари ҳамда 6-банддаги «кредит (микроқарз)» деган сўзлар «микроқарз» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «кредит (микроқарз)» деган сўзлар «микроқарз» деган сўз билан алмаштирилсин;

ж) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Қарз берувчи қарз олувчининг ўртача ойлик даромадларини аниқлашда қарз олувчи томонидан тақдим этилган ва/ёки ўзи кредит бюродан ёки бошқа манбалардан мустақил равишда олган маълумотлардан фойдаланади.»;

з) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Қарз берувчи қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчининг ўртача ойлик даромадларини аниқлашда қўйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

иш берувчи томонидан тасдиқланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлардан;

пенсия миқдори тўғрисидаги маълумотлардан;

фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотлардан;

қарз олувчининг банк ҳисобварақларига тушган даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан;

тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумотлардан;

фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлардан.

Бунда, қарз берувчи мазкур бандда келтирилган ҳужжатлар билан чекланмасдан бошқа маълумотлардан фойдаланиши мумкин.»;

и) 10-банддаги «кредитлар (микроқарзлар)» деган сўзлар «микроқарзлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

к) 11-банддаги «кредит (микроқарз)» деган сўзлар «кредит ва микроқарз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 31 августдаги 18-сон «Кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3258-3.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 27 июлдаги 16-сон «Фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3386.

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 24-2022/Б-сон «Карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2083-1.

4. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 23-2022/Б-сон «Кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2092-1.

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 26 августдаги 22-2022/Б-сон «Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар-уруш қатнашчилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2100-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 9 сентябрдаги 1544/02-26-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-10.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/13-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364-6.

8. O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim vazirining 2022-yil 31-avgustdagi 193-son "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida qo'shimcha pullik ta'lim-tarbiya xizmatlari ko'rsatish faoliyatini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2022-yil 14-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3123-2.

9. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2022 йил 26 августдаги 25-2022/Б-сон «Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2076-3.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 28 июлдаги 8/02-22-26-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-2.

11. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири-нинг 2022 йил 12 сентябрдаги 233-мх-сон «Ахборот технологиялари соҳасидаги хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари)га тавсия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3387.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири-лиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-лигининг 2022 йил 8 сентябрдаги 48-сон ва 29 августдаги 26-2022Q/Q-сон «Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга

ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-3.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 23 августдаги 19/11-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микро-қарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 26 мартдаги 4-сон «Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1024, 2001 йил 6 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1024-1, 2003 йил 10 март), (рўйхат рақами 1024-2, 2007 йил 28 апрель), (рўйхат рақами 1024-3, 2010 йил 8 июль), (рўйхат рақами 1024-4, 2010 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 1024-5, 2012 йил 13 ноябрь), (рўйхат рақами 1024-6, 2013 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1024-7, 2015 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1024-8, 2016 йил 11 апрель), (рўйхат рақами 1024-9, 2018 йил 6 январь).

2022 йил 14 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сон «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2364, 2012 йил 15 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2364-1, 2014 йил 3 июнь), (рўйхат рақами 2364-2, 2016 йил 13 апрель), (рўйхат рақами 2364-3, 2018 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 2364-4, 2018 йил 16 июль), (рўйхат рақами 2364-5, 2018 йил 6 сентябрь).

2022 йил 14 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83 ва 7/12-сон «Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1268, 2003 йил 29 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1268-1, 2019 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 1268-2, 2020 йил 8 июль).

2022 йил 16 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

